
ИСТИҚЛОЛ МФЙ ҲАМДА ТАЙПОҚ МФЙЛАРДА ИЧИМЛИК СУВИ МУАММОЛАРИ БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА.



Kun.uz телеграм канали орқали “Туман раҳбарларига мурожаат қилдик. Натижа йўқ...ҳамда “Қишлоқ аҳли истеъмолга яроқсиз сувдан фойдаланишмоқда...” тўғрисидаги берилган мақолалар юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Данғара туман бўлими томонидан берилган маълумотга асосан Данғара тумани Тайпоқ МФЙ ҳудудида жойлашган ичимлик сув иншооти “Инвестиция” дастури асосида 5.0 км, (2.2 км Истиқлол МФЙ ҳудудига 2.8 км Тайпоқ МФЙ ҳудудига) ичимлик сув тармоғи тортиш, 7 та ичимлик сув насослари ўрнатилди, ҳамда 3 дона ичимлик сув қудуғи тозаланиб, сув қудуғи жойлашган мавжуд бинолар тўлиқ реконструкция қилинди. 1 дона янги электр ТП ўрнатилиб, ҳозирги кунда ишлар тўлиқ якунланиб ишга туширилди.

Истиқлол МФЙ ҳудудида яшовчи аҳоли ҳозирги кунда ичимлик суви билан қисман таъминланди. Истиқлол МФЙ ҳудуди аҳолисини ичимлик сув таъминотини янада яхшилаш учун Уймовут МФЙ ҳудудидаги 2 дона ичимлик сув қудуғини таъмирлаш ва қўшимча тармоқ тортиш билан бу ҳудуддаги аҳоли тўлиқ ичимлик суви билан таъминланади.

Тайпоқ МФЙ Янги чек қишлоғи ҳудудида 2021-йил 1-чорагида 1 дона сув қудуғи қурувчи томонидан қазилиб, ушбу сув қудуғи ҳозирги кунда ишга тушурилмагани қурувчи томонидан бажарилиши режалаштирилган ишлар якунига етгач Янги чек қишлоғи аҳолисини ичимлик сув таъминоти яхшиланишинига эришилади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг](#)

[Facebook](#),

2021-05-22 18:32:31